Мамлакатимизда метрополитен йўлларининг узунлиги икки ёқлама ҳисобда **71,2 километрдир.**
Миллий статистика қўмитасига кўра, кейинги 25 йил давомида метрополитен йўли **41,7 километрга,** яъни **2,4 баробарга ошган.**

2027 йил 4–5 февраль кунлари Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да **Tashkent Content Market халқаро тадбири** бўлиб ўтади.
5 500 квадрат метр майдонда ташкил этиладиган тадбирда **50 дан ортиқ** давлатдан **3 000 нафардан зиёд** контент яратувчилар, продюсерлар, харидорлар, инвесторлар ва медиа компаниялар вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

2026-yil,
17-sentabr,
payshanba
№114
(5334)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan — O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ДУНЁ ШАХМАТИ ТАРИХИДАГИ ЭНГ ЙИРИК ОЛИМПИАДА



1927 йилдан буён ўтказиб келинаётган бутунжаҳон шахмат олимпиадаси тарихида Марказий Осиё илк бор шахмат оламининг энг йирик жамоавий турнирига мезбонлик қилмоқда.


Мусобақада жами 397 та жамоа иштирок этмоқда, яъни эркаклар (open) гуруҳида 207 та, аёллар гуруҳида эса 190 та жамоа ғолиблик учун баҳс олиб бормоқда. Шу тариқа 2024 йил Будапештда қайд этилган 380 та жамоалик рекорд янгиланмоқда.

Олимпиадада 1970 нафар шахматчи, жумладан, 238 нафар гроссмейстер иштирок этмоқда. Мураббийлар ва делегация аъзолари билан бирга Самарқанд мусобақа кунларида 4 мингдан ортиқ меҳмонни қабул қилмоқда. Беллашувлар 11 турдан иборат бўлиб, 27 сентябрга қадар давом этади.

10 сентябрда бошланиб, 18 сентябрда якунланадиган 3-шахмат паралимпиадасида эса 41 жамоа иштирок этмоқда. Бу ҳам парашахмат олимпиадаси тарихидаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Олимпиада билан бир вақтда, 19-28 сентябрь кунлари Самарқандда ФИДЕнинг 97-конгресси ўтказилади. Унда 200 дан ортиқ шахмат федерациялари раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда. Конгресс доирасида ФИДЕ президенти сайлови ҳам бўлиб ўтади.

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси, 3-шахмат паралимпиадаси ва ФИДЕ Конгрессининг бир вақтнинг ўзида Самарқандда ўтказилиши Ўзбекистоннинг йирик халқаро спорт ва интеллектуал тадбирларни юқори савияда ташкил қилишга қодирлигини намоён этади. Бу мусобақалар Ўзбекистон шахматининг бугунги салоҳиятини намойиш этиш билан бирга, мамлакатнинг ёшлар спортини ривожлантириш, инклюзив спортни қўллаб-қувватлаш ва халқаро спорт дипломатиясини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳам янги босқичга олиб чиқади.





Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси иштирокчиларига табрик йўллади.

https://t.me/ishonchuz_official
facebook.com/ishonchofficial.uz
ishonch1991@yandex.uz
www.ishonch.uz



«МАРКАЗИЙ ОСИЁ – КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ» ФОРМАТИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Шавкат Мирзиёев бешта стратегик йўналиш бўйича таклифларни илгари сурди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 сентябрь куни Сеул шаҳрида биринчи «Марказий Осиё – Корея Республикаси» саммитида иштирок этди.

Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён раислигида ўтказилган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси ўртасида хавфсизлик, бир-бирини тўлдириб турадиган амалий ҳамкорлик, гуманитар алмашинувлар каби устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев биринчи «Марказий Осиё – Корея Республикаси» саммитида нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биринчи «Марказий Осиё – Корея Республикаси» саммитидаги нутқи

Якунда Ўзбекистон келгуси йилда Корея Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги ва корейс диаспорасининг минтақамизда яшай бошланганининг 90 йиллигига бағишланган байрам тадбирларини юқори даражада ўтказишга тайёр экани таъкидланди.

Саммитда бошқа етакчилар ҳам сўзга чиқди. Тадбир якунлари бўйича Сеул декларацияси ҳамда ҳамкорликнинг устувор йўналишларига тааллуқли бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

2036 ЙИЛДА АФСУСЛАНМАСЛИК УЧУН...

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда бир қизиқ сўровнома айланяпти: «10 йил ортга қайтсангиз, нима қилган бўлардингиз?» Жавоб бераётган ёшлардан кимдир «Вақтни бекор ўтказмай, тил ўрганардим», деса, бошқаси «Тўғридан-тўғри замонавий соҳага кирардим» дейди.

Озода МАМАДАЛИЕВА

Бир қарашда, бу шунчаки навбатдаги тренддек туюлиши мумкин. Лекин саволнинг моҳиятига чуқурроқ назар ташласак, унинг ортида муҳим маъно борлигини биламиз.

Вақт ўтиб, ақлимиз кириши табиий ҳол. Чунки 20 ёшдаги тажриба билан 30 ёшдаги тажриба бир хил бўлолмайди. Ҳар ҳолда, катталар бежиз «Вақт ўтиб ақлимиз кирди», дейишмайди.

Ҳақиқатан ҳам, ўн йил ортга назар солсак, дунёқарашимиз тамомила бошқача бўлганини англаймиз. Кунига 30 дақиқа тил ўрганиш ёки китоб ўқиш нақадар фойдали машғулот эканини биз, катталар, энди тушуняпмиз.

Демак, ёшларнинг «Ундоқ қилардим, бундоқ қилардим» дейиши шунчаки пушаймонлик эмас, балки улғайиш ва ўз хатоларини тан олиш белгисидир.

Тўғри, ўтган вақтга афсусланишдан фойда йўқ. Ўтмишни ўзгартириб бўлмайди. Аммо келажак ҳали олдинда. У қандай бўлишини эса ортда қолган йиллардан чиқарилган хулосалар белгилайди.

Шундай экан, ўн йилдан кейин бугун ҳақида гап кетганда, аттанг қилмаслик учун ҳаракатни бошланг. Қўлингизга китоб олинг, тил ўрганинг ёки бирон-бир ҳунарнинг этагидан тутинг.

Бу каби сўровномалар эса шунчаки «ёқтирма» йиғиш учун эмас, аксинча, жамиятга тутилган кўзгудир. Кимдир шу лавҳалар орқали ўз ҳаётини сарҳисоб қилиб, яхши томонга ўзгарса, билингки, муаллифларнинг саъй-ҳаракатлари беиз кетмаяпти.

Хуллас, вақт орқага қайтмайди, аммо айнан ҳозир соат милларини ўз фойдангизга ишлатиш имкони бор.

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

Марказий банк Бошқарувининг 16 сентябрдаги йиғилишида асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Марказий банк маълумотларига кўра, мамлакатда инфляциянинг пасайиш тенденцияси давом этмоқда. Хусусан, август ойида йиллик умумий инфляция 6,2 фоизни, базавий инфляция эса 5,5 фоизни ташкил этди.

* * *

Германия пойтахти Берлиндаги Ўзбекистон элчихонасида мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Германиянинг расмий ва парламент доиралари, сиёсат, бизнес, илм-фан ва жамоатчилик вакиллари, Берлинда аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ва дипломатлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида гидроэнергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, кичик ва микро ГЭСлар қурилишини кенгайтириш ҳамда илғор технологияларни жорий этиш мақсадида хорижий тажрибани ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ бошқаруви раиси Ислом Абдураҳмонов бошчилигидаги делегация Корея Республикасидаги хизмат сафари давомида гидроэнергетика технологияларига ихтисослашган «Kumsung Engineering & Construction Co., Ltd.» компанияси заводига ташриф буюрди.

* * *

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Бельгия Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Матиас Кенде билан учрашди.

Унда Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ҳамда парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

* * *

Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Зокир Ишпўлатов Ўзбекистон делегацияси таркибида Миср Араб Республикасида хизмат сафарида бўлиб турибди.

Ташрифнинг дастлабки тадбирларидан бири Миср Сув ресурслари ва ирригация вазири Ҳани Сувейлем билан учрашув бўлди. Унда икки мамлакатнинг сув хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилиниб, сув танқислигига қарши чоралар, суғорма деҳқончилик, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш ва иқлим шароитига мос сув бошқаруви бўйича фикр алмашилди.

УНУТИЛГАН 28 000 000 сўм

шифокорга фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун маблағ ундириб берилди

Даврон УРАЗБОЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Касаба уюшмаларига фуқаро З.Ҳасановадан мурожаат келиб тушди. У 2014 йилдан буён Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус филиалида 0,25 ставкада шифокор сифатида фаолият юритиб келгани, жорий йил ёзида ўз хоҳишига кўра ишдан бўшагани, аммо фойдаланилмаган йиллик меҳнат таътили учун тўловларни ололмаётганидан арз қилган эди.

Касаба уюшмаси мутахассислари мазкур ҳолатни ўрганиб чиқишди. Маълум бўлишича, З.Ҳасанова асосий лавозими билан бир қаторда, 2014 йил апрель ойидан бошлаб УТТ (Ультра-товуш текшируви) шифокори вазифасини ҳам бажариб келган ва алоҳида меҳнат стажига эга бўлган. Ходим 2026 йил 3 август куни ички ўриндошлик лавозимидан расман бўшатилган бўлса-да, ташкилотнинг молия бўлими турли баҳоналар билан унга тегишли тўловларни тўлиқ амалга оширмаган.

Ўрганиш жараёнида яна бир ҳақиқат юзага чиқди: асосий лавозим бўйича таътил ҳақи тўланган бўлса-да, ички ўриндошликдаги фаолияти учун меҳнат таътиллари умуман берилмасдан қолиб кетган.

Касаба уюшмалари томонидан иш берувчига аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ва ходимга 6 йиллик меҳнат таътили учун тегишли компенсация пулини тўлаб бериш учун расмий ёзма кўрсатма юборилди.

Иш берувчи кўрсатмадаги талабларни қаноатлантирди. З.Ҳасановага фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун 28 миллион сўмдан ортиқ маблағ тўлиқ ундириб берилди.

ЯРАШУВ ҚЎНҒИРОҒИ

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Оила аталмиш кўрғонга баъзан турмушдаги келишмовчиликлар ва сабрсизликлар дарз етказиши мумкин. Ана шундай вазиятда муаммони чуқурлаштириш эмас, балки уни бартараф этиш чораларини излаш энг тўғри йўлдир.

Дурдонагул Худойқулованинг ҳаётида ҳам синовли кунлар кўп бўлди. Самарқанддан Фарғонага келин бўлиб тушганида бахтли ҳаёт кечиришни, турмуш ўртоғи билан аҳил-иноқ бўлиб, тинч-хотиржам яшашни истарди. Бироқ оилада юзага келган келишмовчиликлар орзуларига соя сола бошлади.

Аввалига арзимасдек кўринган тортишувлар вақт ўтиши билан жиддийлашди. Узлуксиз жанжаллардан чарчаган Дурдонагул ота-онасиникига кетиб қолди. Аммо бу тўғри йўл эмаслигини яхши биларди. Шу боис оиласида тинчлик ва тотувлик қарор топишини истаб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилди.

Масъуллар вазиятни ўрганиб, оилани яраштириш чораларини кўрдилар. Ҳар икки томоннинг фикрлари эшитилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Пировардида эр-хотин ўртасидаги совуқчилик бартараф этилиб, оила асраб қолинди.

Бугун Дурдонагул ва турмуш ўртоғи биргаликда тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда.

ТАРҒИБОТ



АЪЗОЛИК АФЗАЛЛИКЛАРИ ТУШУНТИРИЛДИ

Тоиржон ҲОМИДОВ,
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Талъат Усмонов ва соҳа мутахассислари Қувасой шаҳрида фаолият бошлаган «HANSAE Mobility Turan» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни ҳамда ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари билан танишдилар.

Автомобиль саноати учун эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ушбу корхонада 75 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Ташриф давомида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, касаба уюшмасига аъзо бўлишнинг афзалликлари, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида тушунчалар берилди.

Мулоқот давомида корхонанинг бугунги фаолияти билан бир қаторда, ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган устувор режалар борасида ҳам фикр алмашилди.

КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...

КАМЧИЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Абдураҳим АЛБЕКОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тасдиқланган иш режасига асосан Республика тез тиббий ёрдам марказининг Сирдарё вилояти филиалида жамоатчилик назорати асосида ўрганиш ўтказилди. Шу жараёнда бир қанча камчиликлар аниқланди. Жумладан, муассасанинг техника хавфсизлиги бўйича муҳандиси Пирхон Каримовга иш ҳақи белгиланган миқдордан кам тўлаб келингани маълум бўлди. Кенгашнинг Сирдарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори иш берувчи номига бу ҳақда ёзма кўрсатма бериб, иш ҳақидаги фарқни ўтган даврларни инобатга олган ҳолда тўлашни сўради.

Иш берувчи 2026 йилнинг 3 сентябрь куни жавоб хати тақдим этиб, П.Каримовнинг ўтган даврдаги иш ҳақи қайта ҳисобланиб, унга 36 295 430 сўм миқдоридаги фарқ тўлаб берилганини ҳамда бундан буён маоши белгиланган миқдорда тўланишини маълум қилди.

ИЧКИ ТУРИЗМ

Жиззах давлат педагогика университетининг 50 нафар ходими учун қадимий ва навқирон Самарқандга саёҳат ташкил этилди. Улар икки кун давомида кўҳна шаҳарнинг тарихий обидалари, зиёратгоҳлари ва маданий мерос объектларида бўлиб, юртимизнинг бой тарихи, буюк алломаларимизнинг илмий-маънавий мероси ҳақида қимматли маълумотлар олдилар.

Жаҳонгир МАЖИДОВ,
Жиззах давлат педагогика университети касаба уюшмаси қўмитаси раиси

КЎНГИЛЛАР ФАХРГА ТЎЛИБ...

Саёҳат ва зиёратнинг энг муҳим манзилларидан бири Имом ал-Бухорий мажмуаси бўлди. Ходимлар бу ерда буюк муҳаддис, ислом оламининг энг машҳур алломаларидан бири Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, жаҳон илм-фани ва маънавиятига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида маълумот олдилар . Мажмуадаги обидалар ва зиёратгоҳ ходимлардаги аждодлар меросига ҳурмат ва ифтихор туйғуларини янада кучайтирди.

Бундай маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ташкил этиш университет жамоасининг маданий-маърифий савиясини ошириш ва ходимлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

СПОРТ

ЁШ ПОЛВОНЛАР КУЧ СИНАШДИ

Абдулбосит СОБИРОВ,
«Ҳудудгаз Наманган» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшмаси раиси

Наманган шаҳрида минг нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилаётган «Ҳудудгаз Наманган» газ таъминоти филиали ҳамда бошланғич касаба уюшмаси ташаббуси билан ёш ишчи-ходимлар ўртасида миллий кураш мусобақаси ўтказилди. Унда филиал, унинг шаҳар ва туман бўлимларида меҳнат қилаётган ёш ишчи-ходимлар, шунингдек, Уйчи тумани ёшлари иштирок этдилар.

Бешта вазн тоифасида 50 нафардан зиёд курашчи иштирок этган беллашув қизғин ва муросасиз кечди. Мусобақа якунида «Тўрақўрғон тумангаз» газ таъминоти бўлимидан Ҳасанбой Тўйчибоев, «Давлатобод тумангаз» газ таъминоти участкасидан Аюбхон Убайдуллаев, «Наманган шаҳаргаз» газ таъминоти бўлимидан Ботир Абдухалилов, «Ҳудудгаз Наманган» газ таъминоти филиалидан Мурод Мирзаалиев ҳамда Уйчи туманидан Ҳабибилло Турғунпўлатов ўз вазнларида биринчи ўринга сазовор бўлишди.

Ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.



ТИББИЁТ ВА ҲАЁТ

НАЖОТ ЭШИКЛАРИ ДОИМО ОЧИҚ

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бир асрлик тарихга эга маскан. Ўтган асрнинг 20-йилларида ташкил топган бу даргоҳда ўша вақтда 20 ўринли терапевтик, 20 ўринли хирургик, 5 ўринли тери-таносил касалликлари бўлими ҳамда 5 ўринли туғруқхона бўлган. Малакали врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари етишмаган.

Бир аср нарини гапирмайлик, ҳатто ўн йиллар олдин ҳам шифохона шароити кўнгилдагидек эмас эди. Шундай бўлса-да, фидойи шифокорлар одамлар дардига малҳам бўлиш истагида меҳнат қилишарди.

– Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаб, ушбу даргоҳга ишга келганимга 44 йил бўлибди. Бу даврда муассаса кўз ўнгимда ўзгариб, такомиллашиб борди. Илгарилари кўплаб касалликларга назарий билимларимизга, идрокимизга асосланиб ташхис қўярдик. Беморлар ҳам энг охирги босқичда мурожаат қиларди. Ҳозир эса замонавий диагностика ёрдамида ҳар қандай хасталикка дастлабки босқичларда ташхис қўйиш, асоратсиз даволаш имконига эгамиз, – дейди гастроэнтеролог Гулбаҳор Раҳимова.

Ҳа, 410 ўринли кўп тармоқли марказда бугун юзлаб беморга шифо улашилмоқда. Албатта, замонавий тиббиёт тараққиёти фақат янги бинолар ва замонавий асбоб-ускуналар билангина эмас, балки юқори малакали кадрлар, илмий ёндашув ва жаҳон тиббиётининг илғор тажрибаларини ўзлаштириш билан ҳам боғлиқ.

Бугунги кунда марказда 168 нафар шифокор, 532 нафар ўрта ва 268 нафар кичик тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда. 2005 йилда илмий даражали мутахассислар сони 3-4 нафарни ташкил этган бўлса, эндиликда 17 нафар илмий даражага эга мутахассис фаолият юритмоқда. Улардан 3 нафари фан доктори (DSc), 14 нафари эса фалсафа доктори(PhD)дир.

Кейинги ўн йилда марказда инфратузилма тубдан янгиланди, янги даволаш корпуслари қурилди, мавжуд бинолар реконструкция қилинди ва тиббий бўлимлар замонавий талаблар асосида қайта ташкил этилди. Муассасанинг моддий-техник базаси босқичма-босқич мустаҳкамланиб, энг сўнгги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Илгарилари имконсиз саналган буйрак трансплантацияси, эндопротезлаш амалиётлари ҳам марказда тизимли йўлга қўйилган.

Ютуқларда халқаро ҳамкорлик алоқалари йил сайин кенгайиб бораётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Россия, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг етакчи тиббиёт муассасалари билан ўрнатилган ҳамкорлик муносабатлари мутахассислар тайёрлаш, янги технологияларни ўзлаштириш ва қўшма операцияларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратди. Натижада марказда жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларини амалиётга жорий этиш жараёни янада жадаллашди.

Янги бўлимлар ва янги хизмат турлари ташкил қилинди. 2023 йилда 20 ўринли реабилитация бўлими ташкил этилиши аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар кўламини янада кенгайтиришга имкон яратди. 2024 йилда умумий терапия бўлими ташкил қилиниши натижасида нафас олиш аъзолари касалликлари билан бирга, турли кардиологик, эндокринологик касалликларга чалинган беморларга тиббий хизмат даражаси кўтарилди. 2025 йилда нейрохирургия бўлими таркибида вертебрология йўналиши алоҳида ташкил қилиниши вертеброген патологияли беморларда замонавий эндохирургик амалиётларни ўтказиш имконини берди.

DMED ахборот тизими босқичма-босқич жорий қилиниб, амбулатор ва стационар беморларнинг тиббий ҳужжатлари, касаллик тарихи, лаборатория ва инструментал текширув натижалари, шифокор хулосалари ҳамда даволаш жараёнлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилди.

Марказ касаба уюшмаси қўмитаси томонидан фидойи жамоа аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Сўнгги беш йил ичида 95 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари санаторийларда имтиёзли соғломлаштирилди. 95 нафар ишчи-ходимнинг болажонлари оромгоҳларда дам олдирилди. Марказда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларига алоҳида эътибор қаратилиб, улар учун иш вақтига қатъий амал қилиш, ёш болали оналар учун иш вақтини қисқартириш ва бола парвариши учун танаффуслар бериш, тунги ва дам олиш кунлари ишга жалб қилмаслик каби муҳим имтиёзлар ҳаётга татбиқ этилди. Барча аёл ходимларнинг иш ҳақи сақланган ҳолда бепул тиббий кўрикдан ўтиши таъминланди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 450 нафар касаба уюшмаси аъзоси ва уларнинг яқин қариндошлари Хива, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларига саёҳатга юборилди, турли спорт мусобақалари ва танловлар ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

– Сўнгги ўн йилда Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ўз тараққиётининг энг сермазмун ва шиддатли босқичларидан бирини бошдан кечирди, – дейди марказ бош шифокори, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Содиқжон Содиқов. – Ушбу даврда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, замонавий тиббиёт ютуқларининг фаолиятга татбиқ этилиши, моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши ва кадрлар салоҳиятининг оширилиши натижасида марказимиз йирик тиббиёт муассасаларидан бирига айланди.

Бош шифокор сўзларининг тасдиғини бу даргоҳдан шифо топиб кетаётган кўплаб инсонларнинг мамнунлигида кўрдик. Қўшкўпир туманида яшовчи Раъно Матёқубова ҳам шу ерда малҳам топган юртдошларимиздан.

У узоқ йиллар давомида жигар циррози билан курашиб келди. Касаллик терминал босқичга ўтган, ягона нажот сифатида жигар трансплантацияси тавсия этилган вақтда яқинлари уни Ҳиндистонга олиб бормоқчи бўлишди. Аммо амалиёт харажатлари кўп эди. Оила аъзолари имконият излашдан тўхтамади. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига келиб, маслаҳат сўрашди.

– Яқинда жигар трансплантациясини йўлга қўямиз. Агар хоҳласангиз, Раъно опага шу ернинг ўзида амалиёт ўтказишимиз мумкин, – деди марказ бош шифокори, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Содиқжон Содиқов.

Бу қуруқ ваъда эмасди. Марказда анчадан бери жигар трансплантацияси учун тайёргарлик ишлари олиб борилаётган, мутахассислар малака оширган, замонавий ускуналар жамланган. Республика миллий тиббиёт маркази билан ҳамкорликда ушбу амалиётга пухта тайёргарлик кўрилди. Кенг қамровли тиббий текширувлар натижасида беморнинг 1991 йилда туғилган ўғли Жалолбек Хўжаев донор сифатида барча тиббий кўрсаткичларга мос келиши тасдиқланди. 8 соат давом этган мураккаб жигар трансплантацияси амалиёти муваффақиятли якунланди.

Бу воқеага ҳам бир йил бўлиб қолди. Ҳозирда Раъно опа ўзини соғлом ҳис этяпти.

– Хорижда бундай амалиётлар учун 50 минг доллар атрофида маблағ талаб қилинишини эшитганимда умид бўлмаса керак, деб ўйлагандим, – дейди у. – Минг шукур, Ватанимда шифо топдим. Амалиёт учун бир сўм маблағ сарфламадик. Мен юртимизда инсон қадри нақадар улуғ эканини ўз ҳаётимда кўрдим.

Ҳа, ўн йил муқаддам бундай амалиётлар афсонадай туюларди. Қанчадан-қанча инсонлар маблағ, имкон йўқлигидан ҳаётни эрта тарк этарди. Эндиликда тиббиётда амалга оширилаётган ислоҳотлар минглаб юртдошларимиз учун нажот эшикларини очмоқда.

Ютуқларда халқаро ҳамкорлик алоқалари йил сайин кенгайиб бораётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Россия, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг етакчи тиббиёт муассасалари билан ўрнатилган ҳамкорлик муносабатлари мутахассислар тайёрлаш, янги технологияларни ўзлаштириш ва қўшма операцияларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратди. Натижада марказда жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларини амалиётга жорий этиш жараёни янада жадаллашди.

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯГА КЕЧ ЧИҚИШ РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ



ЭНДИЛИКДА БОЛАГА ЗЎРАВОНЛИК ҚИЛГАН ПЕДАГОГ 2,2 МЛН СЎМГАЧА ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

ТАҲЛИЛ

САМАРҚАНД ТУРИЗМИ
ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ САҲИФАЛАР

Суҳроб РАФИҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси



Туризм мамлакат иқтисодий салоҳияти, маданий қиёфаси ва халқаро нуфузини намоён этувчи муҳим стратегик соҳа. У ҳудудлар иқтисодиётини юксалтириш, маҳаллий тадбиркорликни рағбатлантириш билан бир қаторда, асрлар давомида шаклланган тарихий-маданий мерос, миллий қадрият ва анъаналарни дунёга танитишнинг энг самарали воситаларидан биридир.

Айниқса, Самарқанддек тарих ва тамаддун чорраҳасида жойлашган замин учун туризмнинг аҳамияти беқиёс. Вилоятда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар, соҳа ривожига қаратилаётган имкониятлар янги ёндашувлар, замонавий инфратузилма ва халқаро ҳамкорлик билан уйғунлашиб, Самарқанд туризми тараққиётида янги саҳифаларни очмоқда.

Фақатгина Самарқанд шаҳри билан чекланиб қолмасдан, танловлар кўлами кенгайтирилиб, ҳудудлардаги туризм масканларидан ҳам фойдаланиш имкониятлари оширилмоқда. Айни чоғда Қўшработ туманидаги «Пангат», Ургут туманидаги «Чорчинор», Тойлоқдаги «Боғизоғон», Пайариқдаги Хўжа Исмоил номли, Жомбойдаги «Зарафшон» маҳаллалари «туризм қишлоғи» мақомига эришди. Ургут адирларида экстремал туризм ривожлантирилиб, парапланда учиш клуби ташкил этилди.

Жорий йилда Индонезияда бўлган вилоят делегациясининг «EGI Resources» компанияси билан бир қатор йўналишларда эришилган келишувини катта воқелик сифатида баҳолаш мумкин. Амалий ҳамкорлик натижасида Имом Бухорий мажмуасига яқин манзилда янги туризм объекти – «Kampung Indonesia»(Индонезия маҳалласи)га асос солинди. Мазкур лойиҳа доирасида ташриф буюрувчилар учун Индонезия миллий анъаналарига мос хизматлар йўлга қўйилди. Ушбу комплекс таркибида замонавий меҳмонхона ва ўша юрт миллий таомларини таклиф этувчи ресторан иш бошлади. Бу юрт вакиллари «Kampung Indonesia» концепцияси доирасида яратилган маданий муҳитдан баҳраманд бўлиб, ўзларини худди юртидагидек ҳис этишлари учун шароит яратилди.

Булунғурда ҳам туризм йўналишида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳудудда 20 га яқин археологик ва 6 та архитектура ёдгорлигини ободонлаштиришга киришилган. Хусусан, улардан бири Шероз қалъасидир. Мажмуага олиб борадиган йўл асфальтланиб, электр узатиш ва ичимлик сув қувурлари янгиланди. Қалъа тарихи ўрганилиб, қайта тиклаш учун 4 гектар ер ажратилди, ҳудудда амалга оширилган археологик қазишмалар натижасида Соҳибқирон Амир Темур қароргоҳи билан боғлиқ кўплаб маълумотлар аниқланди. Шунингдек, Хўжа Ҳофиз Меросий зиёратгоҳига олиб борувчи йўл ва инфратузилма яратилмоқда. Келажакда Ғўбдин тоғининг «Етимсой дараси»да тарихий музей ташкил этиш устида ҳам ишлар давом эттирилмоқда.

Нуробод туманидаги Нурбулоқ ҳудудини «курорт шаҳар»га айлантириш лойиҳаси ҳам йирик ташаббуслардан бири. Бу ердаги радонли шифобахш сув манбалари асосида санаторийлар фаолияти кенгайтирилиб, сервис ва савдо инфратузилмаси ривожлантирилади. Шунингдек, Дарғом ва Сиёб каналлари бўйида дам олиш ва савдо ҳудудлари барпо этиш, Каттақўрғон сув омбори атрофида экотуризм кластерлари фаолияти янада ривожлантирилмоқда.

Эътиборли жиҳати, туризм тараққиёти транспорт, меҳмонхона хўжалиги, умумий овқатланиш, савдо, ҳунармандчилик, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг кенгайишига олиб келади. Бу эса иқтисодиётда қўшимча қиймат яратиш, ички бозорни фаоллаштириш ва валюта тушумларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Касаба уюшмалари томонидан мазкур соҳа ривожига ҳисса қўшиш мақсадида «Касаба Самарқанд» сайёҳлик фирмаси фаолияти йўлга қўйилган. Ҳозир фирма ички ва зиёрат туризми, транспорт хизмати йўналишларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Яқин келажакда хорижий сайёҳларни юртимизга жалб этиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши томонидан корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш, уларга юртимизнинг тарихий шаҳарлари, муқаддас қадамжолари, қадимий обидалари ва мустақиллик йилларида барпо этилган замонавий иншоотларни кўриш имконини яратиш мақсадида мунтазам саёҳатлар ташкил этилмоқда.

Саёҳат шунчаки бир манзилдан иккинчисига бориш эмас. У инсоннинг қалби ва тафаккурини бойитади, дунёқарашини кенгайтиради. Кеча ва бугунни қиёслаш, аждодлар қолдирган бебаҳо меросни кўз билан кўриш, юртнинг ҳар бир гўшасида мужассам бўлган тарих нафасини ҳис этиш кишига алоҳида завқ бағишлайди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги муассасаларда меҳнат қилаётган жами 36 777 нафар ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзолари учун турли йўналишларда саёҳатлар ташкил этилгани ҳам бу борадаги ишлар кўлами нечоғлик кенг эканини кўрсатади. Жумладан, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларига тегишли нормаларни киритиш орқали 12 675 нафар ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзолари учун саёҳатлар уюштирилди. Уларнинг 8 004 нафари ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор қадамжолар, тарихий обидалар ва маданий масканларга, 4 671 нафари эса тарихий шаҳарларга сафар қилди. Бу рақамлар ортида эса оддий статистика эмас, балки минглаб инсонларнинг қувончи, фарзандлар билан бирга кечирилган шодлик онлари, оилавий хотираларга айланган сафарлар мужассам.


Самарқанднинг ўзи ҳам асрлар силсиласидан дарак берувчи улкан бир тарих китоби. Бироқ юртимизнинг бошқа гўшаларида ҳам ана шундай бетакрор тарих ва қадриятлар бор. Шу боис меҳнаткашларнинг турли ҳудудларга сафарларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина «Касаба Самарқанд» унитар корхонаси томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар 9 936 нафар ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзолари учун саёҳатлар ташкил этилди. Шундан 3 060 нафари ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор қадамжоларга, 6 876 нафари эса тарихий шаҳарларга саёҳат қилди. Шунингдек, вилоят меҳнаткашларининг Қирғизистоннинг Иссиққўл вилоятига саёҳати ташкил этилди.

Расмий саналар муносабати билан қўшимча дам олиш кунларидан унумли фойдаланиш, ишчи-ходимларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ички туризмни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Наврўз» умумхалқ байрами муносабати билан 4 493 нафар, Қурбон ҳайити муносабати билан 6 096 нафар ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзолари учун саёҳатлар ташкил этилди. Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги байрамида 3 546 нафар ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзоларининг юртимиздаги тарихий ва диққатга сазовор масканларга саёҳатлари уюштирилди.

Бу саёҳатлар минглаб меҳнаткашлар учун янги манзиллар эшигини очмоқда. Кимдир тарих билан юзлашмоқда, кимдир табиатнинг бетакрор мўъжизаларидан баҳраманд бўлмоқда, яна биров хотира китобига янги саҳифа қўшмоқда. Бугун йўлга чиққан ҳар бир ишчи-ходим эртага иш жойига янги куч, кўтаринки кайфият ва унутилмас таассуротлар билан қайтади. Юрт бўйлаб сафарлар давом этар экан, тарихий обидалар яна кўплаб меҳмонларни кутади, сўлим масканлар яна янги таассуротларга сабаб бўлади. Энг муҳими, бу саёҳатлар қалбларда Ватанга муҳаббат, унинг бой тарихи ва бетакрор бугуни билан фахрланиш туйғусини янада мустаҳкамлайди.

Булунғурда ҳам туризм йўналишида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳудудда 20 га яқин археологик ва 6 та архитектура ёдгорлигини ободонлаштиришга киришилган. Хусусан, улардан бири Шероз қалъасидир. Мажмуага олиб борадиган йўл асфальтланиб, электр узатиш ва ичимлик сув қувурлари янгиланди. Қалъа тарихи ўрганилиб, қайта тиклаш учун 4 гектар ер ажратилди, ҳудудда амалга оширилган археологик қазишмалар натижасида Соҳибқирон Амир Темур қароргоҳи билан боғлиқ кўплаб маълумотлар аниқланди. Шунингдек, Хўжа Ҳофиз Меросий зиёратгоҳига олиб борувчи йўл ва инфратузилма яратилмоқда. Келажакда Ғўбдин тоғининг «Етимсой дараси»да тарихий музей ташкил этиш устида ҳам ишлар давом эттирилмоқда.

ҲУҚУҚ



Маржона ҲАЙИТБОЕВА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгашига 2026 йилнинг январь – август ойларида жисмоний ва юридик шахслардан жами 84 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг асосий қисми ноқонуний ишдан бўшатиш, ишга тиклаш, иш ҳақи, устама ва мукофот пулларини ундириш, санаторий ва саёҳат йўлланмалари, аёлларнинг ҳомиладорлик ва туғуруқ таътили учун тўловларига оид масалалар билан боғлиқ. Шунингдек, ходим ва раҳбар ўртасидаги меҳнат келишмовчиликлари юзасидан мурожаатлар ҳам талайгина.

– Амалиётда бундай низоли ҳолатлар кўп учрайди. Ҳатто айримлари судгача етиб боради. Албатта, ҳар бири қонунчилик талаблари асосида ўрганилиб, аксар ҳолларда ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришилган, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши мутахассиси Санжар Тоғаев.

Бугунги кунда вилоятдаги 1208 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида 201 минг 150 нафар аъзо фаолият юритмоқда. Уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан биридир. Иш жойи инсон ҳаётининг салмоқли қисми ўтадиган маскандир. Ходим иш кунини хотиржам ва яхши кайфиятда бошласа, бу унинг меҳнат унумдорлигига, жамоадаги муносабатларга ва ҳатто оиласидаги муҳитга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Аксинча, доимий босим, адолатсиз муносабат ва тушунмовчиликлар инсонни руҳан чарчатиб, охир-оқибат ишдан кетишга мажбур қилиши мумкин.

– Афсуски, ишдан бўшаш ҳақидаги аризани ўз қўли билан ёзиб бўлгач, кейин ёрдам сўраб мурожаат қиладиган ходимлар ҳам бор. Бироқ бундай вазиятларда кейинчалик босим ёки мажбурлаш ҳолатини исботлаш қийинлашади ва масала иш берувчи фойдасига ҳал бўлиши мумкин. Шу сабабли ходимларга ариза ёзишга шошилмасликни тавсия қиламиз, – дейди мутахассис.

Меҳнат муносабатларида яна бир долзарб масала – ҳомиладорлик ва туғуруқ нафақасини тайинлаш ҳамда тўлаш билан боғлиқ тушунмовчиликлар. Шундай мурожаатлардан бири Сирдарё туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси Шаҳноза Арақулова томонидан қилинган. У 2025 йил 30 декабрь куни туғуруқ таътилига чиққан. Бироқ декрет нафақасини олишда муаммога дуч келган. Бунга 2026 йил 1 январдан бошлаб туғуруқ нафақаларини тўлаш тартиби ўзгаргани билан боғлиқ ҳуқуқий тушунмовчиликлар сабаб бўлган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 декабрдаги қарори билан аҳолига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни амалга ошириш тизими такомиллаштирилди. Янги тартибга кўра, жорий йил январь ойидан бошлаб туғуруқ нафақаларини ижтимоий ҳимоя тизими орқали тўлаш белгиланди.

Бироқ Шаҳноза Арақулова ўтган йили 30 декабрда, яъни янги тартиб кучга киришидан бир кун олдин таътилга чиққан. Шу сабабли нафақани ким тўлаши масаласида тушунмовчилик юзага келиб, ходим бир идорадан иккинчисига мурожаат қилишга мажбур бўлган. Масалага касаба уюшмаси аралашгач, ҳолат ўрганилди. Натижада ҳомиладорлик ва туғуруқ нафақасининг қонунчилик талабларига мувофиқ ўз вақтида тўланиши таъминланди.

Бугун меҳнат бозори ходимдан масъулият, интизом ва фидойиликни талаб қилади. Бироқ ҳар қандай талабнинг иккинчи томонида ходимнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари туради.

Иш ҳақи, устама, мукофот, таътил, ҳомиладорлик ва туғуруқ нафақаси ёки бошқа меҳнат масаласида муаммога дуч келган айрим ходимлар «индамай қўя қолай», «ишдан айрилиб қолмай», «барибир ҳеч нарса ўзгармайди» деган фикрга бориши мумкин. Аммо бундай ёндашув муаммони ҳал қилмайди. Аксинча, ҳуқуқбузарликка йўл очиб бериши мумкин. Шунинг учун ходим ўз ҳуқуқларини билиши, меҳнат шартномаси ва қонунчилик талабларига риоя этилишини талаб қилиши, ҳуқуқи бузилган тақдирда эса тегишли тартибда ариза бериши керак.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА
«ISHONCH»

КУЗАТУВ

«МАДАНИЯТ БЕКАТИ»ГА ҚАЧОН ТЎХТАЙСИЗ?



ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ (ХУСУСАН, АВТОБУСЛАР)ДА ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМИГА ЎТИШ БИР НЕЧА БОСҚИЧДА АМАЛГА ОШИРИЛДИ ВА 2025 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА НАҚД ПУЛДАН ТЎЛИҚ ВОЗ КЕЧИЛДИ.

Йўловчи сифатида кузатганим шуки, ушбу ўзгаришдан кейин автобус ҳайдовчилари анчагина қўполлашди. Яна денг, бепарволик ҳам пайдо бўлди: автобусга ким чиқади, ким тушади, иши йўқ. Ким пул тўлаяпти, ким тўламаяпти, бунга ҳам лоқайд.

– Бир идорада фаррош бўлиб ишлайман, – дейди Комила хола. *– Саҳарда ишга келишим керак. Йўналишимизнинг биринчи қатнови мен чиқадиган бекатга 4.30 да келади. Аммо баъзи кунлари автобус тўхтамай ўтиб кетади. Ёки энди юра бошлаганда етиб келсангиз ҳам тўхтаб турмайди. Орқасидан «ҳай-ҳайлаб» қолаверасиз.*

Аслида бу каби эътирозларни кўп эшитяпмиз. Ижтимоий тармоқларда ҳам автобус қатнови, ҳайдовчининг муомаласи ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, видеолавҳалар тез-тез айлана бошлади.

Ўйлаб қаралса, ҳайдовчи ва йўловчи ўртасидаги манфаат йўқолгани ушбу ҳолатларга олиб келмоқда. Тўғри-да, одамларга яхши гапирса ҳам, ёмон гапирса ҳам куни ўтади. Ўша ойлик, ўша маош. Бир сўз билан айтганда, йўловчига даромад воситаси сифатида қарамайди энди. Шундай эмасми?

Шундай эмас! Бу ҳайдовчининг шахсий ва ўз табиатидан келиб чиққан фикри. Аслида эса энг катта масъулият ҳайдовчида бўлиши керак: чунки у йўловчилар ҳаётига жавобгар.

Шу ўринда савол туғилади. Нега инсон касбига виждонан эмас, манфаат юзасидан ёндашиши керак? Ахир шу ишдан маош олади, оила, бола-чақасини боқади. Ана дейлик, ойлиги барибир йўловчиларнинг тўлаган йўл ҳақи ҳисобидан берилади-ку! Йўл пули унинг чўнтагига тушмаётгани учун бу қадар қўполлашиши, одамларга жаҳл қилиб, автобусни худди ўз мулкидек истаганча бошқариши тўғримикин?

Ҳа, айрим ҳайдовчилар ишдан бўшатиляпти. Лекин жазоланганлари йўқ. Ишдан бўшатилгани билан улар дарҳол шахс бўлиб тарбияланиб қолмайди. Шу боис ҳайдовчиликка касб маданиятини чуқур ўзлаштирган, табиатан оғир босиқ, хушмуомала кишиларни қабул қилиш керак. Чунки жамият инсонни тарбия қилмайди, бу ўзида, руҳиятда бўлади. Руҳан кемтик, ўзгаларни ҳурмат қилмайдиган инсонни ўзгартириш мушкул. Масъуллар ишга олишда номзодлар билан суҳбат ўтказиши, вазифаларини тушунтириши зарур.

Автобус ҳайдовчиларига айтар сўзимиз эса шундай: «Маданият бекати»ни унутманг, «Виждон бекати»да сизни йўловчи кутмоқда.

«Ishonch»нинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида кузатиб боринг:



ИШ ВА ОИЛА: ҲАММАСИГА ҚАНДАЙ УЛГУРИШ МУМКИН?



ТОШКЕНТДА УЙЛАР НЕГА 7–15 БАРАВАР ҚИММАТ БАҲОЛАНДИ? СОЛИҚ ҲАМ ОШАДИМИ?

МУШОҲАДА

ФАРЗАНДИНГИЗНИНГ ВИРТУАЛ ДУНЁСИНИ БИЛАСИЗМИ?

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Бугун фарзанд тарбияси билан боғлиқ энг долзарб масалалардан бири болаларнинг рақамли қурилмалардан, хусусан, компьютер ва онлайн платформалардан қандай фойдаланаётгани билан боғлиқ хавотирлардир. Бироқ масалага фақат «компьютер ўйини яхши ёки ёмон» деган қараш билан ёндашиб бўлмайди. Бундай машғулотлар ҳордиқ чиқариш, дўстлар билан мулоқот қилиш, диққатни жамлаш, тезкор қарор қабул қилиш ва айрим кўникмаларни ривожлантириш учун имконият бериши мумкин. Муаммо виртуал машғулот кундалик ҳаётнинг бошқа муҳим соҳаларини, яъни таълим, уйқу, спорт, оилавий муносабатлар ва реал мулоқотни сиқиб чиқара бошлаганда юзага келади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2021-2022 йилларда Европа минтақасида ўтказган тадқиқотида 44 мамлакат ва ҳудуддаги 279 мингдан ортиқ 11, 13 ва 15 ёшли ўсмирлар ҳаёти ўрганилган. Уларнинг 34 фоизи рақамли ўйинларни ҳар куни ўйнаган, 22 фоизи эса ўйин ўйнайдиган кунлари камида тўрт соат вақтини шунга сарфлаган. Ўсмирларнинг 12 фоизида муаммоли ўйин ўйнаш хавфи аниқланган.

Бу рақамлар кўп вақт компьютер олдида ўтирадиган ҳар бир бола унга «қарам» эканини англатмайди. Аксинча, муаммони тўғри баҳолаш муҳим. Ўйинларга қарамлик уларга қизиқиш ва кундалик фаолиятлардан устун даражада аҳамият бериш ҳамда салбий оқибатларга қарамай, ўйнашни давом эттириш билан характерланади. Бу ҳолат шахсий, оилавий, ижтимоий ёки таълим соҳаларида жиддий бузилишларга олиб келиши мумкин. Шу боис ота-она учун биринчи савол «Виртуал муҳит фарзандимиз ҳаётида қандай ўрин эгаллаяпти?» бўлиши керак.

Масалан, бола бир соат компьютерда вақт ўтказиб, кейин бемалол қурилмани ўчириб, дарс қилиши, спорт билан шуғулланиши, оиласи билан мулоқотда бўлиши, бошқаси эса икки-уч соатдан сўнг ҳам монитордан узила олмаслиги, уй вазифаларини кечиктириши, кечаси ухламаслиги, қурилмани ўчириш талаб қилинганда кескин асабийлашиши мумкин. Вақт бир хил бўлмаса-да, иккинчи ҳолатда муаммо анча жиддий. «Пул сарфлаш» масаласи ҳам худди шундай. Бу фақат ўйиннинг ўзини сотиб олиш билан чекланмайди. Ўйин ичидаги обуналар, тасодифий мукофотларга қилинган харажатлар ҳам шулар жумласидандир.

Айниқса, бепул ўйнаш мумкин бўлган ўйинларда эҳтиёткорлик зарур. Бошлаш учун пул талаб қилинмаслиги унинг бутунлай бепул эканини англатмайди. Турли қўшимча имкониятлар, виртуал буюмлар ёки тезроқ натижага эришиш имконияти болани қайта-қайта харид қилишга ундаши мумкин.

Ичида қандай мукофот борлиги олдиндан маълум бўлмаган виртуал қутичалар алоҳида эътибор талаб қиладиган жиҳат. Бунда ўйинчи пул тўлаб қутини очади. Кутилган буюм чиқмаса, «кейинги сафар омад келади» деган фикр билан яна бир марта харид қилиш истаги пайдо бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан, бундай механизмлар балки айрим ҳолатларда қимор ўйинларига хос психологик таъсир кўрсатар. Шунинг учун ота-она фарзанди қандай ўйин ўйнаётганинигина эмас, унда пул сарфлаш механизми қандай ишлашини ҳам билиши керак.

Хўш, нима учун бола виртуал муҳитга бунчалик берилиб кетади?

Биринчидан, замонавий компьютер маҳсулотлари инсоннинг мукофот олишга бўлган табиий эҳтиёжидан фойдаланади. Янги даража, ғалаба, соврин ёки виртуал буюм болани жараённи давом эттиришга ундайди. Шу тариқа «яна бир марта», «яна беш дақиқа» одати пайдо бўлади.

Иккинчидан, тенгдошлар таъсири катта. Агар синфдошлари ёки виртуал дўстлари буюмларга эга бўлса, бола ҳам улардан қолишни истамаслиги табиий. Ўсмирлик даврида тенгдошлар томонидан қабул қилиниши муҳим бўлгани учун айрим болалар ота-онасидан яширинча пул сарфлашгача бориб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Учинчидан, ўйин баъзи болалар учун реал ҳаётдаги муаммолардан вақтинча қочиш воситасига айланиши, мактабдаги қийинчиликлар, паст баҳолар, тенгдошлар билан келишмовчилик ёки оиладаги тушунмовчиликлар сабабли у виртуал оламда ўзини эркин, кучли ва муваффақиятли ҳис қилиши мумкин. Агар у реал ҳаётдаги муаммоларни ҳал қилиш ўрнига доимо виртуал дунёга қоча бошласа, бу ота-она учун жиддий сигналдир.

Шу ўринда рақамли саводхонлик масаласи ҳам муҳим. Бугун болалар интернетда нафақат таълим олади, балки виртуал жамоаларга қўшилади, мулоқот қилади, турли контентларга дуч келади, молиявий қарорлар ҳам қабул қилади. Шунинг учун ота-она фарзанди қайси платформалардан фойдаланаётгани, хавфсизлик чоралари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиши керак.

Ортиқча вақтни компьютер қаршисида ўтказиш жисмоний фаолликнинг камайишига, чарчоқ ва уйқусизликка олиб келади. Айниқса, кечаси узоқ вақт экран қаршисида қолиш эртаси куни диққатни жамлаш ва ўқиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Демак, асосий муаммо компьютердан фойдаланишнинг ўзида эмас, балки унинг таълим, уйқу ва бошқа муҳим вазифалар билан мувозанатдан чиқиб кетишида.

Бундай вазиятда ота-онанинг муносабати жуда муҳим. Фарзандга фақат бақириш, компьютерни тортиб олиш ёки интернетни узиб қўйиш қисқа муддатда натижа бергандек кўринади. Аммо бола яширинча ўйнашга, ўз ҳаракатларини беркитишга ёки ота-она билан зиддиятга киришишга ҳаракат қилиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун қаттиқ жазодан кўра, очиқ мулоқот ва аниқ келишув самаралироқ.

Энг муҳими, қоидаларни фарзанд билан биргаликда белгилашдир. Масалан, мактаб кунларида компьютердан фойдаланиш учун маълум вақт ажратиш, уй вазифалари бажарилгандан кейин экран қаршисига ўтириш, овқатланиш вақтида қурилмалардан фойдаланмаслик, кечаси уларни ётоқхонадан ташқарида қолдириш каби келишувлар амалий натижа беради. Шу билан

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2021-2022 йилларда Европа минтақасида ўтказган тадқиқотида 44 мамлакат ва ҳудуддаги 279 мингдан ортиқ 11, 13 ва 15 ёшли ўсмирлар ҳаёти ўрганилган. Уларнинг 34 фоизи рақамли ўйинларни ҳар куни ўйнаган, 22 фоизи эса ўйин ўйнайдиган кунлари камида тўрт соат вақтини шунга сарфлаган. Ўсмирларнинг 12 фоизида муаммоли ўйин ўйнаш хавфи аниқланган.

бирга, ўйин ичидаги харидлар ҳам олдиндан келишиб олиниши, банк карталарига чекловлар ўрнатилиши лозим. Болага виртуал буюм учун сарфланган маблағ ҳам ҳақиқий пул эканини тушунтириш муҳим. Бундан ташқари, унинг бўш вақтини спорт, мусиқа, китоб ўқиш, робототехника, расм чизиш, дастурлаш ёки бошқа қизиқарли машғулотлар билан бойитиш керак. Энг муҳими, булар қизиқиши ва қобилиятига мос бўлиши жоиз.

Ота-онанинг фарзанди билан бирга бирон-бир ўйин ўйнаб кўриши ҳам фойдали. Бу орқали нималарга қизиқишини, виртуал муҳитда уни нима ўзига тортишини, қандай хавфлар мавжудлигини яхшироқ тушунадилар. Энг муҳими, бола «Ота-онам мени тушунишга ҳаракат қиляпти», деган ҳисни туяди. Бу ўзаро ишончни мустаҳкамлайди.

Бугунги рақамли дунёда фарзандни технологиядан бутунлай узиб қўйиш реал ечим эмас. Аксинча, ундан масъулиятли фойдаланишга ўргатиш, аниқ қоидалар белгилаш, зарур ҳолларда мутахассисга мурожаат қилиш муҳим. Фарзандга фақат «ўйнама» дейиш эмас, балки «нега меъёр муҳим?» эканини тушунтириш самаралироқ. Виртуал дунё қизиқарли бўлиши мумкин, аммо у ҳеч қачон таълим, соғлиқ, оила, дўстлик ва ҳақиқий ҳаётнинг ўрнини босолмайди.

МУХЛИС ҲИКОЯСИ

1979 йил. Ёз фасли. Қишлоқда «Фалон куни клубда хушовоз хонанда Шерали Жўраев иштирокида катта концерт бўлади» деган эълонлар пайдо бўлди. Адашмасам, ўшанда ҳофиз Андижон вилояти филармониясида ишлар эди.

Шукрулло НЕЪМАТОВ

«МЎЙЛОВИНГДАН АКАНГ!»

Белгиланган куни шомдан кейин ёзги клуб олдида анча одам тўпланди. Кассирнинг қўли-қўлига тегмайди. Мухлислар чипта тугаб қолмасин, деган ҳадикда бир-бирини туртиб, касса туйнуги томон интилишар, бақир-чақирлар қулоққа чалинарди. Бир пайт ичкаридан «Ўртоқлар, тарқалинглар, жой қолмади, бор ўриндиқларга чипта сотиб бўлинди», деган овоз эшитилди. Навбатда турганлар орасида ғала-ғовур, норозилик кучайди. Уларнинг бир қисми клуб эшиги олдига келиб, ичкарига киритишни талаб қила бошлашди. Жамоа хўжалиги раисининг маданий ишлар бўйича ўринбосари «Майли, ким тик туриб кўришни хоҳласа, кираверсин», деди.

Концерт бошланди, одам лиқ тўла. Клуб деворига туташ катта ўрикнинг шохларида ҳам ўсмирлар ўтиришибди. Клуб ёнидаги хонадон томига 15-20 нафар йигит чиқиб олган. Клуб деворларига яхшилаб жойлашиб олганлар ҳам кўп эди.

Концерт яримлаб қолганда Шерали Жўраев «Битта янги қўшиқ тайёрлаганман, уни ҳозир илк бор сизларнинг ҳузурингизда куйлайман», деди. Мухлисларнинг қийқириқлари ва шиддатли қарсаклари оламни тутди.

Ҳофиз баланд ва ёқимли овозда қўшиқни бошлади. Одамлар бирдан сув қуйгандек жимиб қолишди, пашша учса, эшитилади.

Шамол шамолни тебратар,
Шамол булутни тебратар.
Булут ёмғирни тебратар,
Ёмғир тупроқни тебратар.
Тупроқ майсани тебратар,
Майса бияни тебратар.
Бия қимизни тебратар,
Қимиз йигитни тебратар.
Йигит сулувни тебратар...

Қўшиқ шу жойига етганида олд қаторда ўтирган Раҳим тракторчи ўнг кафти билан чап кўкрагига урган ҳолда «Вой дооод, мўйловингдан аканг!», дея бор овози билан ҳайқирди. У ҳофизнинг ҳақиқий мухлиси эди ва буни бутун қишлоқ биларди. Мўйловни ҳам, сочни ҳам Шерали Жўраевга ўхшатиб қўйганди. «Весна» русумли магнитофонида фақат Шералининг қўшиқларини эшитарди.

Хонанда кулимсираган ҳолда қўшиқ айтишда давом этди. Энди бошқа ашаддий мухлислар қийқиришни бошлашди: «Войдод, овозингдан!», «Ҳайт, жонингдан!»

Ишонасизми, биринчи марта тингланаётган янги қўшиқнинг нақоратини аксарият мухлислар ҳофиз билан бирга куйладилар. Қўшиқ якунлангач, олқишлардан завқ олган ҳофиз «Биринчи муҳаббатим»ни бошлаб юборди:

Кеча оқшом фалакда, ой бўзариб ботганда.
Зуҳро юлдуз милтираб, хира ханда отганда.
Руҳимда бир маъюслик сокинлик уйғотганда,
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим.
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим...

Томошабинларга қарайман, деярли ҳамма жўр бўляпти. Кимдир овоз чиқариб, кимдир пичирлаб.

Ҳофиз қўшиқнинг айни авжига чиққан пайтда кўчадаги ўрик шохи синиб, ҳақиқий мухлислар гупиллаб ерга қулади. Қий-чувни эшитган айрим томошаталаб болалар кўчага югурди. Шукрки, ҳеч ким жиддий жароҳат олмабди. Буни томошага чопганларнинг тезда изига қайтишганидан билдик.

Ўшанда мен ҳам кўпчилик ҳамқишлоқларим қатори Шерали Жўраевни илк бор кўргандим ва ҳақиқий санъаткорга чин мухлислик қандай бўлишини ҳам ўшанда ҳис этган эдим.

Ҳа, Шерали Жўраев том маънода халқ суйган ва ардоқлаган афсонавий санъаткор эди. У тинимсиз изланар, суюкли мухлислари учун ҳамиша янги қўшиқлар тақдим этар ва бундан ўзи ҳам ўзгача завқ, куч-қудрат олар эди. Шу боис ярим асрдан зиёд саҳнадан, эл назаридан тушмади.

У ҳақиқий санъат қироли бўлиб ўтди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

«АТИРГУЛ» – ЖУРНАЛИСТ АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИ ЭЪТИРОФИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташаббуси билан хотин-қиз журналистлар ўртасида ўтказилган «Атиргул» кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.

Тақдирлаш маросимида танловнинг 12 та номинацияси бўйича ғолиблар аниқланиб, ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланган ижодий ишлари алоҳида эътироф этилди. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар тантанали равишда топширилди.

Кўрик-танлов тафсилотлари ҳамда ғолиблари ҳақида «Ishonch»нинг Телеграмдаги саҳифасида батафсил ўқинг:



Марокли дам олинг, азиз газетхон!



Бобомурод Ҳамдамов ижросида
«ҚЎРҚДИМ»
қўшиғи

Дилим хун, қирмизи юзлардан қўрқдим,
Бирга юз макрини гизлардан қўрқдим.
Одамлар қўрқарлар ёмон кўзлардан,
Мен эсам шу яхши кўзлардан қўрқдим.
Омон Матжон шеъри.

Эълон

Янгийўл туманидаги «IMINJON-ZULFIYA FAYZ» фермер хўжалигининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharriming birinchi o'rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
G'ulomjon MIRAHMEDOV
Musahhih:
Dilorom XUDOYBERGANOVA
Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV
Bosishga topshirish vaqti – 20:00
Topshirildi – 20:30
Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: **133**

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 038 та
Shundan: 6 508 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – **Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;**
19 339 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – **Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;**
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – **Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-911**
1 2 3 4 5 6